



MILLIY TIKLANISH

10 (279)

2014 йил 12 март, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz

Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Юртимизда истиқдолнинг дастлабки йилларидан бошлаб келаёган эгаларининг таълим олиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши йўлида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда



965 ўғил-қиз сабоқ олаётган Тошкент давлат техника университети қошидаги Компьютер технологиялари академик лицейида ёшларнинг пухта билим олиши учун барча шароит яратилган



Миллий хунармандчилик асрлар ўтса-да яшаб, сайқалланиб келаётган тарихий меросимизнинг бетакрор тимсоли бўлиш баробарида юртимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этади



3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

6 ЖАРАЁН

8 КЎЗГУ

Хабарлар

"Ташаббус — 2014"

Бухорода Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Ташаббус-2014" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида голиб бўлган 39 тадбиркор, фермер ва хунарманд иштирок этди.

Бугунги кунда Бухоро вилоятида 28 мингга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда уларнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Танловда кўплаб голиблар қатори Қоракўл туманидаги "Мўйначи хунарманд" фермер хўжалиги раҳбари Ахрор Йўлдошев "Энг яхши фермер", Бухоро шаҳридан қандакор уста Шавкат Фуломов «Энг яхши хунарманд» номинацияларида биринчи ўринни эгаллади. Голиблар "Ташаббус-2014" кўрик-танловининг мамлакат босқичида иштирок этади.

Барча меҳр ва эътиборда

Самарқанд вилоятида "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шiori остида ташкил этилган тадбир доирасида пойтахтимиз ва вилоятдаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш ва тиббиёт институтларининг етакчи олимлари, юқори малакали шифокорлари чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда. Ҳафталикни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож беморлар, ногиронларни кўриқдан ўтказишдир. Бундан ташқари, ҳафталик доирасида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи юзасидан тушунтириш-тарғибот ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Янги иш ўринлари

Наманган шаҳрида аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан кўплаб тадбирлар амалга ошириляпти. Айниқса, фуқаролар йиғинлари ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш юзасидан қабул қилинган чоратадбирлар режасини амалга ошириш яхши самара бермоқда. Ҳар бир маҳаллада аҳолига савдо, маданий-маиший хизматлар кўрсатувчи шаҳобчалар барпо этишда барча имкониятлардан унумли фойдаланилаётир. Шунга кўра, "Қурашона" маҳалласида бир йўла янги новвойхона, автомобильлар мойини алмаштириш ҳамда компьютер хизмати шохобчалари ишга туширилди. Натижада олти нафар фуқаро ишли бўлди. "Сихаттоҳ" маҳалла фуқаролар йиғини гузарига эса гўзаллик салони, уяли телефонлар устaxonаси ва дўконча фаолият кўрсата бошлади. Бу ерда ҳам ўнлаб янги иш ўринлари ташкил этилди.

Фракция ҳаёти



Янги қонун лойиҳалари

жамият раванқида муҳим ўрин тутати

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Йиғилишда дастлаб, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Маълумки, Президентимиз томонидан 2010 йилда парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш тақлифи илгари сурилган эди. Эътироф этиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил

20 мартда қабул қилинган Самарқанд ва Бухоро вилоятларида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиш тақлифи илгари сурилган эди. Эътироф этиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил

амалда синовдан ўтказилди. Бинобарин, ушбу қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқини, шу билан бирга ҳокимият ва бошқарув органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун жавобгарлигини янада оширишга хизмат қилади. Бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан киритилган ушбу қонун лойиҳасининг асосий мақсади — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини, улар фаолияти ҳақидаги ахборотлардан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг (ахборотдан фойдаланувчиларнинг) кенг фойдаланишини таъминлашдан иборатдир.

4-бет

Муносабат

Аёллари эъзоз ва эътибор топаётган юртда яшаш бахт

Ҳар йили барчамиз орзиқиб кутадиган баҳор айёмининг илк кунларида Президентимиз 8 март байрами муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини йўллайдилар. Ушбу табрикда халқимизнинг аёл зотига, онажонларимизга, она-сингилларимизга бўлган ҳурмат-эътиром, эъзози ва эътибори мужассам бўлади. Давлатимиз раҳбарининг юртимиз хотин-қизларига йўллаган бу салги байрам табригини тинглаб, аёллари қадр топаётган юртда яшайётганимдан юрагимда гурур туйғусини туйдим. Оила таъиниши, фарзанд тарбиясидан ортиб, жамиятнинг турли жабҳаларида эркаклар билан елкама-елка туриб меҳнат қилаётган, илм-фан, санъат, адабиёт, маданият, тиббиёт соҳаларида фидойилик кўрсатаётган хотин-қизларимизга ҳар қанча тасанно айтсак оз, деган ишонч ва эътиром биз аёлларни янги марраларга ундади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда хотин-қизлар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида, хусусан, сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият ва вакиллик органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимида фаол иштирок этишмоқда. Жамиятда хотин-қизларга берилаётган юксак эътиборни ЎзМТДПнинг аёллар йўналишида олиб борилаётган сай-ҳаракатларда ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, партияимиз умумий аъзоларининг 48 фоизини, шунингдек, ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгашидаги 12 минг 179 нафар партия аъзосининг 6 минг 195 нафари, яъни 50 фоизга яқинини хотин-қизлар ташкил этишини инобатга олсак, партияимиз ҳаётида аёлларнинг нуфузи қай даражада эканини яққол тасаввур қилиш қийин эмас.

2-бет

Ташаббус ва натижа

Боқий қадрият

миллий хунармандчиликни ривожлантиришда депутатлар ташаббускорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда

Мамлакатимизда миллий қадрият, анъана ва урф-одатларни қайта тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Чунончи, миллий хунармандчиликни ривожлантиришга оид қатор ҳуқуқий асослар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётгани боис ушбу жабҳада диққатга сазовор ютуқлар қўлга киритилаяпти. Бу бир жиҳатдан юртимизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилаётган бўлса, иккинчи томондан соҳа вакиллариининг турмуш фаровонлиги ошишида муҳим омили бўлмоқда.

2-бет



Ёшлар қаноти

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Юксак сиёсий-ҳуқуқий маданият

орқали фуқаролик жамияти сари қадам ташлаймиз

3-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Муносабат

Аёллари эъзоз ва эътибор топаётган юртда яшаш бахт

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жорий “Соғлом бола йили”да ҳам хотин-қизлар йўналишидаги фаолиятимизни янги bosqichga кўтариб, оила институтини мустаҳкамлаш, аёлларнинг саломатлигини сақлаш, ёш авлод вакиллари ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, иқтидорлиларни қўллаб-қувватлаш,

* * *

Аёллар байрами муносабати билан давлатимиз раҳбари томонидан юртимиз хотин-қизларига йўланган байрам табригини тинглаб, биз аёлларнинг кўксимизда фахр-ифтихорга тўлди, юксак эътибор ва эъзозда эканлигимизни яна бир бор юракдан ҳис қилдик. Президентимиз аёлларнинг юртимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, жамиятимизда меҳр-оқибат муҳитини кучайтиришдаги ўрни ва таъсирини, уларнинг меҳнатқашлиги фидойилигини алоҳида эътибор этдилар. Бундай эътирофлар бағрикенг ўзбек аёлларини янада руҳлантириб, янгиланишлар сари ундагани шубҳасиз.

Дарҳақиқат, бугун юртимиз хотин-қизлари уй-рўзгор юмушларини фарзанд тарбияси билан бир қаторда турли соҳаларда ўзларини кўрсатмоқда. Фидойи, меҳнатқаш, тиниб-тинчимаслиги, матонатлиги билан ўзлари хизмат қилаётган йўналишлар ривожига улкан ҳисса қўшмоқда, юксак натижаларни кўлга киритаётди. Биргина таълим соҳасида аёллар иштирокини олиб қарайдиган бўлсак, бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида хизмат қилаётган устоз-мураббийларнинг 70 фоизга яқини аёллардан иборат. Шунингдек, касб-хўнара коллежлари ва академик лицейлар тизимида 50 фоиз, олий ўқув юртиларида эса аёл профессор-ўқитувчилар 43 фоизни ташкил этади. Бу рақамлар ортида ўзбек аёлларининг меҳнатсеварлиги, фидойилиги, юрт тақдири ва келажаги учун дахлдорли-

уларни спортга кенг жалб этиш, гоё ва ташаббусларини рўёбга чиқариш каби партияимизнинг дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги амалий ишларимизни янада кучайтирамиз.

Мунира КОРИЕВА,
ЎзМТДП Тошкент вилоят
Кенгаши Ижроия Кўмитаси
раиси ўринбосари

ги, жамият тараққиётидаги ўрни ва улуши мужассамдир.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва роли борасида тўхталганда, айниқса, жорий “Соғлом бола йили”да уларнинг фаоллиги янада ортишига алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Зеро, Давлат дастурида белгиланган барча чора-тадбирлар баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган бўлиб, бу борада, энг аввало, аёл зиммасига янада залворли масъулият юкланади. Маънавий салоҳияти юксак, жисмонан байкуват бўлган авлодни вояга етказишда оилада онанинг, жамиятда устоз-мураббийнинг кўмаги катта бўлади.

Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, фаоллигини ошириш, шунингдек, Давлат дастурининг ижросини таъминлашда биз маҳаллий кенгаш депутатлари ҳам фаол иштирок этишга интиламиз. ЎзМТДП сайловолди Платформасида хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий кадрларни, халқ аъёнларини сақлаш ва бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирокини таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб бориш вазифаси белгиланган. Мазкур дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия гуруҳимиз ўз фаолияти доирасида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади.

Манзура САЙДАХМЕДОВА,
халқ депутатлари Қоровулбозор
туман Кенгашига ЎзМТДПдан
сайланган депутат

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзМТДП ҳам ўз дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, миллий бозорни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, хўнарамдчиликнинг барча турларини, хусусан, сервис соҳасини ривожлантиришга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратапти. Мазкур жараёнда партия албатта, ўз депутатлари кўмагига таянади. Ўтган 2013 йилнинг март ойида бўлиб ўтган халқ депутатлари Навбахор туман Кенгашининг XVIII сессияси кун тартибига партия гуруҳи томонидан киритилган “Миллий хўнарамдчиликни ривожлантириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш” ташаббуси ҳам хўнарамдчилик истиқболи йўлида ташланган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Эътироф этиш жоизки, ушбу масала юзасидан сессиянинг қарори қабул қилиниб, унга асосан туман хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Хўнарамд” уюшмаси туман бўлими ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари зиммасига бир қатор вазифалар юклатилган эди. Мана орадан роп-роса бир йил вақт ўтди. Ўтган давр мобайнида сессия қарори ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди, десак муболаға бўлмайди. Пировард натижада хўнарамдларнинг меҳнати муносиб баҳолалиб, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ва кенгайтириш орқали қўллаб-қўйиш йўли яратилди. Айни пайтда туманда хусусий ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, сервис хизмати шаҳобчаларини барпо этиш, касаначиликни йўлга қўйиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда.

— Хўнарамдчилик — боқий кадрият. Соҳани ривожлантириш, хўнарамдлар меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш, аънавий “устоз-шогирд” мактаби аънаваларини узвий давом эттириш мақсадида халқ таълими тизимида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда, - дейди Халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлими мудири, халқ депутатлари Навбахор туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Гульмира Гелова. — Айни пайтда барча умумтаълим мактабларида каштачилик, дүппидүзлик, зардүзлик, тивувчилик ва бошқа бир қатор йўналишлар бўйича тўғрақлар ташкил этилган.

Депутатнинг эътирофи этишича, Зумрадхон Яхшиева ҳудуддаги 2-умумтаълим мактабида ўқувчилик қилади. Унинг ташаббуси билан таълим масканига кўғирчоқ театри ташкил этилган. Муҳими, хўнарамд муаллими бу театр кўғирчоқларини шогирдлари билан биргаликда тайёрлайди. Турфа эртак қаҳрамонлари қиёфасини акс эттирган кўғирчоқлар ниҳоятда сифатли ва мукаммал ишланганлиги билан хайратланарли. Тўғрақда “устоз-шогирд” мактабининг аънавий тус олганлигини улар эришадиган ютуқлар мисолида кўриш мумкин. Улар “Баркамол авлод” республика болалар маркази томонидан ўтказилган “Бадий нафосат”

Ташаббус ва натижа

Боқий қадрият

миллий хўнарамдчиликни ривожлантиришда депутатлар ташаббускорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда



(ЎЗА) олаги сурат.

республика кўрик-танловида “Сехрли ўрмонча” томошаси билан иштирок этиб, вилоят босқичи голиблигини кўлга киритишди. Бундан ташқари кўғирчоқ театрининг ёш, иқтидорли жамоаси туман ва вилоят миқёсида ўтказилмаган тадбирларда ҳам муваффақиятли чиқишлари билан ёш томошабинларнинг олқишига сазовор бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, туманда оилавий бизнес, касаначилик ва миллий хўнарамдчиликни ривожлантириш асосида 1000 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда хўнарамдчиликнинг у ёки бу тури билан шуғулланиш имкониятлари мавжуд. Оила бизнесини шакллантириш бўлган ҳудуд хотин-қизларига “Микро-кредитбанк” томонидан имтиёзли кредит маблағлари ажратилмоқда.

Ана шундай имкониятлардан самарали фойдалана олган “Арабсарой” қишлоқ фуқаролар йиғини, “Карвон” маҳалласида истиқомат қилувчи Марзия Тўхтаева қизлари ва келинлари билан ҳамкорликда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйди. Бу оила вакилларининг қўл меҳнати билан яратилаётган каштачилик маҳсулотлари: сўзанхорлар, жойпўшлар, уй-рўзгор буюмлари; дастурхонлар, кашталли сочиғу қуроқ кўрпачаларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Моҳир чеварлар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар бозорга олиб чиқил-

масиданоқ, маҳалла-қуй томонидан харид қилинмоқда. Эътиборли жиҳати, бу хўнарамдчилик маҳсулотларига қўшни туманлардан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Дарҳақиқат, Навбахор туманида аҳолини иш билан таъминлаш учун муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда партия гуруҳининг ташаббускорлиги кўзга ташланмоқда. Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2013 йил 30 декабрда бўлиб ўтган XXIII-сессияси кун тартибига вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Анаора Бобомуродова томонидан ҳудуддаги мавжуд фермер хўжалиқларида ишловчи хотин-қизларга доимий икки томонлама меҳнат шартномалари тузиш ва уларга меҳнат дафтарчалари жорий этиш масаласи киритилди. Сессия қарорига асосан айни пайтда тегишли доимий комиссиялар, туман фермерлар Кенгаши ва туман бандлик кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мутасадди ходимлари мазкур масала ижросини таъминлашга қаратилган амалий ишларни олиб бормоқдалар. Бу эса ҳудуд хотин-қизларининг бандлигини таъминлаш ва уларга янада кўпроқ имтиёзлар берилишида муҳим ўрин тутди.

Ўралой ТУРДИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Аёллар қаноти

Оилада — оқила, жамиятда фаол

хотин-қизларни ЎзМТДП ташаббускорликка ундамоқда

Аёл олами... Нафис ва ўзгал, улғувор ва мафтункор бу оламиз башари ҳаёти ғариб ва файсиз бўлиши алақачон ўз эътирофини топган. Тўмариснинг жасорат ва иродаси, Сароймулкхонимнинг тенгсиз зукколиги, Нодирабегимнинг ҳайратгир истеъдоди, Увайсий, Зулфияхоним, Кибриёхонимнинг буюк фазилатлари... Бу рўйхатнинг давримиздаги давоми янада узун. Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин — қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори аёлларга бўлган юксак ишончининг яна бир намунаси бўлди.

ЎзМТДП фаолиятида ҳам хотин-қизларнинг ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, партия “Аёллар қаноти”нинг турли лойиҳа ва форумлари хотин-қизларнинг ҳар томонлама фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилнинг “Соғлом бола йили” деб номлангани ва Давлат дастури қабул қилинганлиги партиянинг бу борадаги масъулиятини яна бир қарра оширди. Партиянинг Андижон вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан ҳам йил бошидаёқ алоҳида иш режалари белгиланди.

— Ўтган йили ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” ташаббуси билан 334 та тадбир ўтказилди, - дейди партия вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони мутахассиси Умидахон Йўлчиева.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини

кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислоҳотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилга айланмоғи зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Бу ўринда ўз нигомига амал қиладиган, жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз нуктаи назари аниқ ифода этилган сиёсий партиялар кўзда тутилганини теран ҳис қилиб, сиёсий партиялар қаноти” томонидан ҳам йил бошидаёқ алоҳида иш режалари белгиланди.

Ўтказилган тадбирларимиздан шу маълум бўлдики, ёшларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг кўнглига йўл топиш уларнинг яширин истеъдодларини кашф этишга туртки бўлмоқда. Масалан, олтинқўллик партия фаоли Зилола Тоштемурова “Аёллар қаноти” ташаббуси билан ўтказилган “Донюлик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танлови, Андижон шаҳридаги 41-мактаб директори Ҳилола Самиева эса “Фан ўқитувчиси” деб

номланган танловнинг республика босқичида голиб чиқашди. Партия вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”ни ўрганиш, тарғиб қилиш ва унда белгиланган устувор вазифалар юзасидан жойларда кенг миқёсда тадбирлар ташкил этилди. Концепция моҳияти, халқимиз ҳаётидаги ўрни ҳақида тушунчалар берилди. Шунингдек, “Юрагимда Ватан меҳри!” “Обод маҳалла — жамият кўрки”, “Озода юртининг — обод масканлари”, “Ободлик — фаровон турмушгарови”, “Ораста қизлар — оила кўрки”, “Оила — муқаддас даргоҳ” каби давра суҳбатларида янги истеъдодлар кашф этилди.

Андижонни қадимдан хўнарамдлар юрти дейишади. Бу бежиз эмас. Вилоятимизда дўппидүзлар, попопчилар, тўн, чакмончилар маҳаллалари борлиги шундан. Зеро, “устоз-шогирд” аънавалари айнан маҳаллада ривож топади. Бугунги кунда “Хўнарамд” уюшмаси вилоят бўлимида 260 нафардан ортиқ партия аъзолари мавжуд. Улар билан доимий ҳамкорликда самарали иш олиб бормоқдамиз, - дейди суҳбатдошимиз.

Эътироф этиш жоизки, ўтказилаётган тадбирларда оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг ижросини таъминлаш, аёлларнинг мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш қизларни миллий аънава ва халқимизнинг маънавий меросидан бохабар

қилиш, оилавий ҳаётга, оналикка тайёрлаш, ёшларни жиноятчилик ва гиёҳвандлик сингари иллатлардан ҳимоя қилишга оиладаги тарбиянинг аҳамияти каби устувор масалаларга эътибор қаратилмоқда.

— ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, электорат манфаатлари таъминланиши юзасидан ҳам кўплаб давра суҳбатлари, семинар-тренинглари, маданий-маърифий тадбирлар ташкил қилинди, - дейди У.Йўлчиева. — Ушбу тадбирларнинг аксарияти миллий хўнарамдчиликни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва ёшларнинг жамиятдаги маънеини ошириш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, тадбиркорлик ва туризмни ривожлантириш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини таъминлаш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар эътиборимиз марказида бўлиши зарур. Бу борадаги режаларимиз улкан. Ниятимиз болаларимиз тани-жони ҳам, фикри ҳам, тасавури ҳам, орзу истаги ҳам соғлом бўлсин.

Замира РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши қуйидагиларни маълум қилади

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясига “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 7-моддасига асосан 2013 йилда давлат бюджетидан 5 158 152 000 сўм миқдорда маблағ ажратилди.

2013 йилда партиянинг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамларига аъзолик бадаллари 615 501 000 сўм, ҳомийлик, хайрия ва бошқа тушумлар 92 107 000 сўм жами, 707 608 000 сўм келиб тушди.

2013 йил 6 мартда партия Марказий Кенгаши IX Пленумида бюджет ва бюджетдан ташқари ҳисоб рақамларига даромад ва харажатлар сметаси тасдиқланди.

2013 йилдаги партиянинг бюджет ва бюджетдан ташқари ҳисоб рақамларига сарф-харажатлари 5 752 635 000 сўмни ташкил этди. Шунингдек, 2013 йил давомида давлат бюджетидан ажратилган маблағларни мақсадли ишлатиш бўйича смета харажатларига партиянинг 2013 йил 2 августдаги XI Пленуми қарори, 2013 йил 27 декабрдаги Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитасининг XIV йиғилиши қарорига асосан смета харажатларига ўзгартиришлар киритилди.

Шу жумладан ижро этувчи аппаратнинг жорий харажатларига (яъни, иш ҳақи, 25 % ажратма, хизмат сафари) 4 675 508 000 сўм (яъни, бюджет ҳисоб рақамидан 4 495 739 000 сўм (96 %) ва 179 769 000 сўм (4%) бюджетдан ташқари ҳисоб рақамидан) сарфланган.

Партия аъзоларини ОАВда чиқинбини ташкил этиш ва кўргазмали тарғибот материалларини нашр этиш харажатларига 117 555 000 сўм (яъни, 108 000 000 сўм бюджет ҳисоб рақамидан (92 %) ва 9 555 000 сўм (8%)

бюджетдан ташқари ҳисоб рақамидан) сарфланган.

Партия фаолларини ўқитиш, семинар, тренинглар ўтказиш харажатларига 223 717 600 сўм (яъни, бюджет ҳисоб рақамидан 140 766 000 сўм (63 %) ва 82 951 600 сўм (37 %) бюджетдан ташқари ҳисоб рақамидан) сарфланган.

Мол-мулкни сақлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатларига 317 871 000 сўм (яъни, бюджет ҳисоб рақамидан 240 653 000 сўм (76 %) ва 77 218 000 сўм (24 %) бюджетдан ташқари ҳисоб рақамидан) сарфланган.

Асосий воситалар ва бошқа харажатларга 417 983 400 (яъни, бюджет ҳисоб рақамидан 188 287 000 сўм (45 %) ва 229 696 400 сўм (55 %) бюджетдан ташқари ҳисоб рақамидан) сарфланган.

Партиянинг 2014 йил 1 январь ҳолатига бюджетдан ташқари ҳисоб рақамларига 223 426 000 сўм қолдиқ қолган.

2014 йил давомида 801 520 000 сўм аъзолик бадалли тушиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясига 2014 йил учун давлат бюджетидан 6 524 750 000 сўм маблағ ажратилди.

Ажратилган маблағ қуйидагича тақсимланди:

Партиянинг барча бўғинларидаги ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ва 25 % ажратмаларига — 5 679 059 000 сўм (87 %).
IV гуруҳ харажатларига — 845 691 000 сўм (13 %).

2014 йил 4 март куни ЎзМТДП Марказий Кенгашининг XII Пленумида даромадлар ва харажатлар сметаси тасдиқланди.

Фракция ҳаёти



Янги қонун лойиҳалари

жамият равақида муҳим ўрин тутари

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Қонун лойиҳасининг асосий вазифалари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг эркин фойдаланишини ҳамда мазкур ахборотларни олишга бўлган ҳуқуқнинг кафолатлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун жавобгарлигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти ҳақидаги ахборотларнинг тарқатилиши тартибини белгилаш назарда тутилган.

Муҳокама чоғида сўз олган фракция аъзолари «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ЎзМТДПнинг дастурий мақсад-муддаоларида кўзда тутилган демократик қадриятларни одамлар онгига синдириш, халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этиш каби вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлашди.

Партиявий позиция нукта назаридан келиб чиқиб билдирилган қатор таклиф, фикр-мулоҳазалардан сўнг мазкур қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди. Мазкур қонун қонунчилик палатасининг мажлисида ҳам депутатлар томонидан маъқулланди ва қабул қилинди.

Фракция йиғилишида бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан Қонунчилик палатасига киритилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида эълон қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ишини янада фаоллаштириш ва фаолияти кўламининг



кенгайтирилишига катта туртки берди. Натижада, охириги уч йил ичида нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 45 фоизга ошди ва айни пайтда улар 7,5 мингдан ортқини ташкил этади. Бугун нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришга доир энг муҳим давлат дастурларини рўйбга чиқаришда фаол иштирок этмоқда.

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасида назарда тутилган ижтимоий шериклик соҳалари Ўзбекистон «Миллий тиклиниш» демократик партиясининг дастурий мақсад-вазифаларига ҳамда сайловди Платформасида белгилаган асосий вазифаларга мосдир, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Арслон Эшмуродов.

Қонун лойиҳасида фуқаролик жамияти шароитида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган аҳолининг ҳуқуқий билимларини, ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган йўналишларда давлат органларининг ННТ билан ҳамкорлиги масалалари ўз аксини топган. Давлат органларининг ННТ билан ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, ижтимоий муҳим муаммоларни ҳал қилишда уларнинг иштирок этиш шакллари ва усуллари ҳам аниқ ифодаланган.

Шунингдек, лойиҳада ижтимоий

шерикликнинг субъектлари, асосий принциплари, ҳамкорликнинг аниқ вазифалари, шу жумладан, ижтимоий, социал-иқтисодий, гуманитар ривожлантиришга доир долзарб масалаларни ҳал қилишда молиялаштириш, давлат ва жамият секторининг жавобгарлик масалалари, фуқаролик жамиятининг ролини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини янада фаоллаштириш бўйича бир қатор янги нормалар белгилашмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари чегараларини аниқ белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни назарда тутди.

Муҳокамалар жараёнида сўз олган фракция аъзолари ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён этишгандан сўнг мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Йиғилишда фракция ваколатига таллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган масалалар юзасида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Камолитдин САИДҚУЛОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Парламент ҳаёти

Ҳуқуқий механизмлар
такомиллаштирилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, Сенатга кўриб чиқиш учун юборилди. Мухбиримиз мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида парламент қўйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Олим ОҚИЛОВ билан суҳбатлашди.

— Сўнги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, шу жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасини янада такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмларини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди, - деди О. Оқилов. — Бу борада мазкур қонун қабул қилинган айни муддао бўлди. Негаки, ушбу ҳуқуқий ҳужжат ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, улар фаолиятини мувофиқлаштиришни кўзда тутди. Айни пайтда қонун шу мақсадда амалга оширилаётган чоратadbирлар тизимлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалаларини тартибга солувчи кўплаб ҳуқуқий нормаларни унификация қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Қонун лойиҳасини тайёрлашда нималарга алоҳида эътибор қаратилди?

— Аввало, амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлил қилинди. Дарҳақиқат, ўтган даврда юртимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жойларда ҳуқуқ-тартибни мустаҳкамлаш соҳасида яхлит норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди, ушбу соҳада жамоат тартибини муҳофаза қилишнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминловчи самарали тизим яратилди. Шу билан бирга, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бир қатор қонунлар, кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, идоравий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинмоқда. Бу амалиётда ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини қўллашда қийинчилик туғдирмоқда, айрим ҳолларда уларнинг ҳар хил талқин қилинишига сабаб бўлмоқда.

— Мазкур қонун лойиҳаси кўриб чиқилишида қўмита томонидан қандай ишлар амалга оширилди?

— Қонун лойиҳаси Бош прокурор томонидан қонунчилик ташаббуси асосида ишлаб чиқилган ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган. Мазкур қонун лойиҳаси қўйи палатага келиб тушганидан ва у бўйича масъул сифатида бизнинг қўмитамиз белгилаганидан сўнг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи идора ва муассасаларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик актлари ўрганилиб, чуқур таҳлил қилинди. Қонун лойиҳасидаги янги нормалар соҳадаги бошқа қонунлар, давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорларида акс эттирилган талабларга мувофиқ ҳолда такомилга етказилди, ривожланган мамлакатларнинг қонунчилиги билан солиштирилди.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида хориж мамлакатларининг тажрибаси ўрганилди. Айрим давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари, қонунчилик акти билан мустаҳкамлаш, соҳадаги фаолиятнинг барча жиҳатлари тизимли равишда тартибга солинган.

Қонун лойиҳаси бўйича тегишли вазирлик ва муассасаларнинг, шу жумладан, республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ижобий тақризи олинди.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар алоҳида равишда, Ўзбекистон экологик ҳаракатида сайланган депутатлар гуруҳида кизгин муҳокама этилиб, уларда билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида такомиллаштирилди.

— Қонундаги асосий янгиликлар нималардан иборат?

— Аввало, қонунда ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактикаси каби турларини қамраб олувчи ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг чоралари белгилаб берилган.

Бунда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғиботга, ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартафакт этишга доир дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга

ошириш бўйича чоралар тизими ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси сифатида белгилаб берилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси этиб, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахсларга нисбатан махсус чораларни кўришни назарда тутувчи алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қаратилган фаолият қайд этилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси сифатида ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил бўлган ва содир этган шахсларга нисбатан тарбиявий таъсир чоралари мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонун лойиҳасида ҳуқуқбузарликлар яқка тартибдаги профилактикаси чораларининг тушунчаси ва механизми аниқ ҳамда тўла очиб берилган, бу эса амалиётда мазкур чораларнинг бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлайди, шунингдек, уларни нотўғри талқин қилиш ҳолларининг олдини олади.

Ниҳоят, қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бир тури сифатида жиноятлардан жабр кўриши мумкин бўлган ва амалда жабр кўрган шахсларга керакли ёрдам кўрсатиш, уларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар виқтимологик профилактикаси мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу билан бирга, қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси асосидаги чоралар ва муассасалар тизими белгиланди, улар фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда ваколатлари аниқлаштирилди.

Бундан ташқари, қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларига, шу жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларга кўмак бериш ҳамда зарур ёрдам кўрсатиш каби ҳуқуқларига асосий эътибор қаратилган.

Қонундаги санаб ўтилган янгиликлар, шубҳасиз, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими самарали фаолият кўрсатишида, қолаверса, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий шартлари сифатида фуқароларимизни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ижобий таъсир кўрсатади.

Қобил ХИДИРОВ
суҳбатлашди

(«Халқ сўзининг 49 сонидан олинган»)

Қонунчилик палатасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва санаот намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуналирининг Интеллектуал мулк агентлигида ижроси бўйича назорат-таҳлил аяқларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Таъкидланганидек, парламент палаталарининг қўшма мажлисида Президентимиз томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ҳамда механизмларини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги соҳа тараққиётини янги босқичга кўтарди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда интеллектуал мулк эгаларининг

ҳуқуқларини қонуний кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда интеллектуал мулкни ҳар томонлама ва ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий пойдевори, замонавий ташкилий механизми шакллантирилди. Айни пайтда Интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик Кодекси, Жиноят Кодекси ҳамда «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида», «Ихтиролар, фойдали моделлар ва санаот намуналари тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунлар билан тартибга солинмоқда.

Интеллектуал мулк

соҳасидаги саъй-ҳаракатлар юрт равақига хизмат қилмоқда

Шунингдек, Ўзбекистон интеллектуал мулк объектларининг ҳимоясига қаратилган асосий халқаро конвенцияларнинг ҳам аъзоси ҳисобланади.

Йиғилишда Интеллектуал мулк агентлиги томонидан юқоридаги номлари қайд этилган қонун талабларининг ижросини таъминлаш, интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний равишда фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш, мулк эгаларига ўз қонуний манфаатларини таъминлашда ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қатор тадбирлар доимий равишда амалга ошириб келинаётганлиги эътироф этилди. Хусусан, 2013 йил мобайнида Бош прокуратура, Ички ишлар ва Давлат солиқ идораларига 155 365 та аудиовизуал маҳсулотлар, фонограммалар ва ЭХМ учун яратилган дастурлар бўйича 152 та муаллифлик-ҳуқуқий ҳу-

лосалари берилган. Ўртача қий-матти 1 940 825 000 сўмдан ортқини қўриққан лазерли дисклар йўқ қилиниши лозимлиги қайд этилган. Шунингдек, ҳисобот даврида (2011-2013) мамлакатимиз ҳудудида санаот мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш мақсадида Агентлик томонидан жамоат мулки объектларига жамоат 2535 та, шу жумладан, ихтироларга 1595 та, фойдали моделларга 454 та ва санаот намуналарига 486 та талабнома қабул қилинди. 1735 та санаот мулки объектларининг моҳияти бўйича экспертизаси ўтказилди, улардан 1209 таси ихтироларга, 428 таси фойдали моделларга ва 98 таси санаот намуналарига тегишли.

Эътироф этилганидек, ҳисобот даврида 1166 та санаот мулки объектлари рўйхатга олинган бўлиб, улардан ихтиролар 531 тани, фойдали мо-

деллар 285 тани, санаот намуналари 350 тани ташкил этади.

Тадбирда депутатлар ҳамда мутасадди идора ва ташкилотлар вакиллари томонидан интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга доир таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти бошқаруви органларининг интеллектуал мулк, хусусан, санаот мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини юритишдаги иштирокини таъминлаш, ҳудудий ривожланиш дастурларидан келиб чиқиб, ихтирочилик жараёнида ёшларнинг фаолигини оширишга қаратилган имтиёزلарни кенгайтириш, мамлакатда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда ихтирочилик имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Урни келганда таъкидлаш жоизки, интеллектуал мулк соҳасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, бу борадаги таклифлар ЎзМТДП дастурий мақсадларига бевосита ҳамроҳдир. Хусусан, интеллектуал мулкни ва унга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек, мамлакат ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга катта зарар етказётган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар контрабандасига қарши курашиш партия сайловолди Платформасида устувор вазифа сифатида белгилаган.

ва турдош ҳуқуқлар қонунчили-гини бузганлик учун жавобгар-ликни қучайтириш бўйича амал-даги қонунларга ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳаларини тайёрлаш юзасида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Урал ХАЙТОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Интеллектуал мулк агентлиги томонидан «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» ҳамда «Ихтиролар, фойдали моделлар ва санаот намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларни назорат-таҳлил тартибда ўрганиш эканми, соҳада эришилган ютуқлар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар намоён бўлди. Жумладан, ҳудудий ривожланиш дастурларидан келиб чиқиб, ихтирочилик жараёнида ёшларнинг фаолигини оширишга қаратилган имтиёزلарни кенгайтириш, мамлакатда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда ихтирочилик имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Урни келганда таъкидлаш жоизки, интеллектуал мулк соҳасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, бу борадаги таклифлар ЎзМТДП дастурий мақсадларига бевосита ҳамроҳдир. Хусусан, интеллектуал мулкни ва унга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек, мамлакат ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга катта зарар етказётган хорижда ишлаб чиқарилган товарлар контрабандасига қарши курашиш партия сайловолди Платформасида устувор вазифа сифатида белгилаган.

қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳаларини тайёрлаш юзасида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

М.КОМИЛОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири



Тошкент давлат техника университети қошидаги Компьютер технологиялари академик лицейида ёшларнинг пухта билим олиши учун барча шароит яратилган.

965 ўғил-қиз сабоқ олаётган, математика, физика ва чет тиллари чуқур ўқитиладиган таълим масканида дарслар янги инновацион технологиялардан фойдаланилган ҳолда ўтилмоқда. Лицейда ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этилган. Бой китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, компьютер хоналари, спорт зали ёшлар ихтиёрида.

Ёлқин ШАМСИДИНОВ (ЎЗА)
олган суратлар.



Конун — амалда

ОИТС — ҳаёт кушандаси

унинг олдини олишда қонунчилик асослари муҳим аҳамиятга эга

Инсон учун молу дунёдан кўра унинг саломатлиги бебаҳо бойлик ҳисобланади. Жисму жонимизни турли хил иллатлардан сақлаш, энг аввало, ўзимизга боғлиқ. Шундай экан, нафақат ўзимиз балки, атрофдагиларга ҳам жиддий хавф солиши мумкин бўлган бедаво касалликлардан эҳтиёт бўлмоғимиз шарт. Зеро, ҳаёт барчага мароқли. Ҳар қандай инсон яхши яшашга, муносиб турмуш кечиришга, бир сўз билан айтганда бахтли бўлишга ҳақли.

ОИВ (одам иммунитетангислиги вирус) сайёраимизда учрайдиган ана шундай бедаво дардидир. Бу инфекция юқумли бўлиб, оқибати ОИТСга (ориттирилган иммунитет танқислиги синдроми), ҳатто, ўлимга ҳам олиб келади. Инсон таназзулига сабаб бўлувчи ОИТС бугунги кунда тобора глобал тус олиб, барчани бирдек ташвишга солмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг катта муаммосига айланган бу дарднинг олдини олиш, ёшларни касалликка чалиниш хавфидан ҳимоя қилиш куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди.

2013 йилнинг 23 сентябрида қабул қилинган "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ҳаётга татбиқ этилиши мақсадида Навоий вилоят ОИТСга қарши кураш маркази бош шифокори Қунсулов Шарипова мурожаат қилдик.

— Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудида 15 та ОИТС маркази, 100 га яқин лабораториялар, вирусни юктириб олганларни аноним тарзда аниқлаб берувчи 250 га яқин ишонч пунктлари бу бедаво дарднинг олдини олиш мақ-

садида фаолият юритмоқда, дейди К.Шарипова. — Таъкидлаш жоизки, ОИВ инфекциясини уч хил йўл билан юктирилиб олиш мумкин. Булар перинатал, жинсий алоқа ва онадан болага ўтиш йўллари орқали. Касаллик онадан болага ҳомилдорлик пайтида, туғиш ҳамда эмизиш орқали ўтади. ОИТСга чалинган беморларни аниқлаб, шахсини сир тутган ҳолда уларга тиббий ёрдам бериш, зарурий дори-дармонлар билан таъминлаш бизнинг бирламчи вазифамиздир.

ОИВ инфекцияси юқумли бўлиб, оқибати ОИТСга ва аларзоб масалаларидан бири бўлиб турибди. Касаллик ўз аломатларини узоқ вақтгача кўрсатмаслиги ҳам мумкин. Бундай вазиятда касалликка чалинган бемор йиллар давомида ўз саломатлигидан шикоят қилмай юраверади. Аммо, бундай одамлар ОИВ ташувчи ҳисобланади. Бизнинг мақсадимиз ана шундай беморларни аниқлаб, уларни ижтимоий ҳаётга хавф туғдирмаслигини таъминлаш ҳам иборат.

"Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга кирганидан сўнг Навоий вилоят ҳокимлигининг қонунда белгиланган қоида ва меъёrlарни кенг тарғиб қилиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Утган йилнинг 8 октябрь санасида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида тиббиёт ходимлари ва мута-

сади ташкилот раҳбарлари иштирокида мазкур қонун тарғиботига оид катта анжуман ташкил этилди. Унда иштирок этган Республика ОИТС маркази мутахассислари касаллик юқинининг жадаллигига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг фаоллигини баҳолаш бўйича махсус эпидемиологик тадқиқотлар, ОИВ инфекцияси профилактикаси, унга ташхис қўйиш ва даволашнинг қонун соғлиғи учун хавфсиз бўлган усуллари ҳақида батафсил маълумот берилди. Айни пайтда вилоят ОИТСга қарши курашиш марказида ҳам белгиланган режа асосида мунтазам равишда ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, ҳудуддаги касалликка чалинган беморларни аниқлаб, шахсини сир тутган ҳолда уларга тиббий ёрдам бериш, зарурий дори-дармонлар билан таъминлаш бизнинг бирламчи вазифамиздир.

Вилоятдаги мавжуд ОАВ билан ҳамкорликда ташкил этилган қонун мазмун-моҳиятига оид материаллар, курсатув ва давра суҳбатлари, мавзуга оид ижтимоий роликлар намойиши ҳам ижтимоий хавфли касалликнинг олдини олишга қаратилган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, инсон ҳаёти, унинг соғлиғи барча нарсасдан муҳим. Уни асраб-авайлаш, соғлом турмуш тарзига риоя этиб яшаш келажагимиз кафолатидир.

Ўралой ТУРДИЕВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

Таълим

Тарбияда танаффус бўлмайди

Таълим ва тарбия ҳар бир жамиятнинг эртанги кунини белгилаб берувчи муҳим жараёнлардан бири саналади. Бугун қай бир соҳани олмайлик иқтидор, қобилият, инсон тафаккури, билим ва тажрибаси ҳар қандай мураккаб вазифани ҳал этишда муҳим омил эканлигининг шохиди бўлиши мумкин. Шу маънода, мустақилликнинг дастлабки йилларидан юртимизда таълим тизимини ислоҳ қилишга жиддий эътибор қаратилади. Бу борада қабул қилинган давлат дастурлари, Қарор ва фармонлар таълим сифатини ошириш йўлида дастуриламал бўлмоқда.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида ҳам бу борада самарали ишлар амалга ошириляпти. Шўрқудуқ транспорт касб-хунар коллежи ана шундай замон билан ҳамнафас бўлиб фаолият юритаётган би-

лим даргоҳлари сирасига қиради. — Таълим даргоҳимизда 829 нафар ўқувчи 6 та йўналиш бўйича таълим олмақда, дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Олимжон Курбонов.

Фарзандларимизнинг мукамал таълим-тарбия олишлари учун яратиб берилётган ана шундай шарт-шароитларни кўриб, очиги ҳавасимиз келди. Замонвий, кенг ва ёруғ, барча қўлайликларга эга, шинам синф хоналарида таълим олаётган ўқувчилар кўзимизни қувнатди. — Маънавият инсон онгига она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бира сингади. Дарҳақиқат, ёшларнинг манан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етишида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар катта аҳамият касб этади, дейди Нишон транспорт сервис касб-хунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Орзигул Абдурахмонова. — Бунинг учун биз мураббий сифатида ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиб ўқувчи-ёшларга касб-хунар сирларини ўргатишда бор билим ва маҳоратларимизни ишга солишимиз даркор. Ўқувчилар турли ёт фоярларга

берилиб кетмаслиги учун уларни китоб ўқишга, меҳнатга ўргатиш керак. Қолаверса, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, дарсдан кейинги фан ва спорт тўғрисидаги жабл қилиш қўйилган самараларни беради. Бундан ташқари, миллий кадрият, урф-одат ва хунармандчилигининг кўллаб турларига қизиқтириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратишнинг вақти келди.

Коллежда дарслардан ташқари спорт, фан ва ораста қизлар каби 31 та тўғрақ ишлаб турибди. Уларга жами 675 нафар ўғил-қиз жалб этилган. Ораста қизлар тўғрағида иштирокчи қизлар миллий хунармандчиликнинг каштачилик, зардўзи, қуроқчилик ва бадийи безаш йўналишларида ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб боришмоқда. Тикувчилик йўналишида таълим олаётган учинчи босқич талабалари Моҳинур Амринова ҳамда Дилрабо Янгибоева тикувчилик сир-асрорларини мукамал эгаллаб, бугунги кунда ўзлари мустақил буюртмалар олиб, иш юритмоқдалар.

Шерзод ҚУРБОНОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Анжуман

Жамоат фонди маблағлари

ННТлар фаоллигини оширишга йўналтирилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Парламент комиссияси аъзолари, вазирликлар ва идоралар вакиллари, ННТ ассоциациялари ва бирлашмалари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Жорий йилда Парламент жамоат фондига миллий нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағларни тақсимлаш мақсадида ташкил қилинган йиғилишда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ечиш, гуманитар муаммоларни ҳал қилиш, демократик кадрларнинг ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган долзарб ижтимоий аҳамиятга молик дастур ва лойиҳаларни давлат субсидияси, давлат ижтимоий буюртмаси ва давлат гранти шаклида молиялаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда таъкидланганидек, Парламент комиссияси ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ ва самарали амалга оширилиши таъминланмоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси доирасида босқичма-босқич амалга ошириляётган чора-тад-

бирлар, ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши, жамиятда ижтимоий шерикчилик тамойилларининг кучайиши ҳамда жамият ва давлат ўртасида самарали алоқа ўрнатилишида муҳим омил бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ва Парламент комиссияси ушбу жараёнда фуқаролик жамиятининг институтлари томонидан ижтимоий долзарб лойиҳа ва дастурларни амалга оширишни доимий ва кенг қўллаб-қувватлаб келмоқда. Қайд этилганидек, 2014 йилда давлат бюджети ҳисобидан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг долзарб лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаоллигини ошириш учун 8,2 млрд. сўм маблағ ажратилди, бу ўтган 2013 йилга нисбатан 17,1 фоизга кўпдир. Йиғилишда унинг 3,8 млрд. сўмдан ортиги ёки мўлжалланган жами маблағнинг 46,3 фоизи ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг муҳим масалаларини ҳал этишга кенг жалб қилиш, "Келажаги буюк - соғлом ав-

лод" мавзусидаги грант танловларини ташкил этиш ва ўтказиш, лойиҳаларни молиялаштиришга ажратилди.

Эътироф этиш жоизки, давлат гранти танловларидан кўзланган мақсад чекка ҳудудлардаги ёшларнинг ижтимоий ва интеллектуал салоҳиятларини ривожлантириш, болалар, айниқса, қиз болаларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган меҳрини уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборат. Шунингдек, танловлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш, фуқаролар ва ННТнинг ободонлаштириш ишларидаги фаоллигини ошириш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ҳамда болалар соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган шерикчилигини ривожлантириш мавзуларида ҳам ўтказилишига қарор қилинди.

Йиғилишда Парламент комиссияси аъзолари, ОАВлар томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтиришга, соғлом турмуш тарзини, айниқса, ёшлар орасида тарғиб қилишга, демократик ислохотларнинг амалга оширилиши ва фуқаролик жамиятининг барпо этилиши жараёнларини мустақил ОАВлар томонидан ёритишга қаратилган танловлар ўтказилиши алоҳида мавзу сифатида кўриб чиқилди.

Парламент комиссияси аъзолари томонидан юқорида қайд этилган 5 та мавзу бўйича жами 67 та йўналишни ўз ичига қамраб олган Давлат гранти танловларини ташкил этиш ва ўтказишга қарор қилинди. Давлат грантлари ахборотилган маблағлар миқдори ўтган 2013 йилга нисбатан 15,8 фоизга ошгани

алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, тадбир давомида Парламент комиссияси аъзолари ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари орасида шу каби муаммоларни ечишга қаратилган давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш масаласини ҳам кўриб чиқди. 2014 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари орасида давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш учун 1,4 млрд. сўм ёки жами маблағнинг 17,1 фоизи миқдорда маблағ ажратилди.

Давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштиришда "Соғлом бола йили" Давлат дастурида назарда тутилган, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВларни соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, мустаҳкам оила асосларини юксалтиришда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган масалаларни ҳал этиш кўзда тутилган.

Ҳудудий ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг лойиҳа ва дастурларини шакллантириш, жойларда ижтимоий шерикчиликнинг амалий ютуқларини янада кучайтириш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикчиликнинг турли шакл ва механизмларини кенгайтириш мақсадида минтақавий ННТларнинг ва давлат бошқаруви органлари ўртасидаги шерикчилигини кучайтиришга қаратилган ҳудудий ННТлар форумини ва "Ўзбекистон ННТлари Миллий форуми"ни ташкиллаштириш ва ўтказиш белгиланди.

Таъкидланганидек, 2014 йилда амалга оширилган 2000 дан ортиқ лойиҳалар ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг иштирокини таъминлайди, Жамоат фонди томонидан давлат гранти, давлат ижтимоий буюртмаси ва давлат субсидияси шаклида молиялаштирилди.

Йиғилиш якунида Парламент комиссияси ва Жамоат фондида тааллуқли бошқа ташкилий-ҳуқуқий масалалар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Болалар спорти

Юртимизда Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда Халқ таълими вазирлиги ҳузурда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани бу борадаги ишларнинг сифат ва салмоқини янада оширди. Сўнги йилларда жамғарманинг сабъ-ҳаракати билан мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида замонавий шарт-шароитларга эга спорт қононалари барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига топширилмоқда.

Соғлом авлод — юрт таянчи

Ҳудудий ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг лойиҳа ва дастурларини шакллантириш, жойларда ижтимоий шерикчиликнинг амалий ютуқларини янада кучайтириш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикчиликнинг турли шакл ва механизмларини кенгайтириш мақсадида минтақавий ННТларнинг ва давлат бошқаруви органлари ўртасидаги шерикчилигини кучайтиришга қаратилган ҳудудий ННТлар форумини ва "Ўзбекистон ННТлари Миллий форуми"ни ташкиллаштириш ва ўтказиш белгиланди.

Таъкидланганидек, 2014 йилда амалга оширилган 2000 дан ортиқ лойиҳалар ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг иштирокини таъминлайди, Жамоат фонди томонидан давлат гранти, давлат ижтимоий буюртмаси ва давлат субсидияси шаклида молиялаштирилди.

Йиғилиш якунида Парламент комиссияси ва Жамоат фондида тааллуқли бошқа ташкилий-ҳуқуқий масалалар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳудудий ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг лойиҳа ва дастурларини шакллантириш, жойларда ижтимоий шерикчиликнинг амалий ютуқларини янада кучайтириш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикчиликнинг турли шакл ва механизмларини кенгайтириш мақсадида минтақавий ННТларнинг ва давлат бошқаруви органлари ўртасидаги шерикчилигини кучайтиришга қаратилган ҳудудий ННТлар форумини ва "Ўзбекистон ННТлари Миллий форуми"ни ташкиллаштириш ва ўтказиш белгиланди.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Бизнинг шарҳ

ПАРТИЯЛАРНИНГ МАВЖУДЛИГИ ВА ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Аввало демократиянинг, қолаверса, мамлакат ривожи ва мустақамланишига муҳим асос бўлиб хизмат қилади



этадиган тадбирда партиянинг сайловди дастурини тасдиқлаш, Австрия Канцлери ва биринчи вазири лавозимига номзодларни кўрсатиш ҳамда партия фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинади. Кўплаб бахс-мунозаралар, талаб ва таклифлар ўрганилиб, якуний хулосага келинади.

Мамлакатдаги йирик партиялардан яна бири Австрия социал-демократик партияси бўлиб, 1889 йилда Австрия социал-демократик ишчи партияси номи билан ташкил этилган ва шу йили партиянинг асосий тамойиллар декларацияси қабул қилинган, партия газетаси - «Arbeiter-Zeitung»-нинг биринчи сони чиққан. XX аср бошига келиб партия аъзоларининг сони тобора ошиб борди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мамлакат озодликка эришди ва партия 1945 йили Австрия социалистик партияси номи билан қайта ташкил этилди. 1991 йилда эса партия ҳозирги номига эга бўлди.

1970-2000 йиллар ҳамда 2007 йилдан буён АСДП вакиллари Австрия ҳукуматига раҳбарлик қилиб келади. Австрия социал-демократлари ўзининг сўл қарашларини муваффақият билан неоллиберализмга ўзгартири олганлари билан ажралиб турадилар.

Австрия озодлик партияси - ўнг сиёсий партия бўлиб, 1955 йилда тузилган. Партия иммиграция масаласида назоратни қатъийлаштириш, жиноятга қарши курашни кучайтириш, оилани қўллаб-қувватлаш тарафдори саналади. Узоқ йиллик тажрибага эга партиянинг бугунги дастури жуда кўп синовлардан ўтган ва сайқалланиб келган. Партия дастурининг кириш қисми "Австрия ҳамма нарсадан устун!" деган шior билан бошланади. Бу партиянинг парламент сайловларидаги доимий шiorига ҳам айлиниб улгурган.

АОП Австриянинг барча фуқароларининг тенглигига интилади. Зеро, фуқароларининг асосий қисмини ташкил қилувчи Австрия немисларидан ташқари туб халқлар — хорватлар, славянар, словаклар, венгерлар ҳамда чехлар ҳам истиқомат қилади. Партия фуқаролар эркинлиги қонун билан кафолатланиши, қонун устуворлиги ҳамда фуқаролик масъулияти амал қилиши тарафдоридир. Партия вакилларининг фикрича, оиладаги таянч устунлардан саналган эркак ва аёлнинг ҳамжиҳатлиги — нафақат оила, балки жамиятнинг ядроси алаоқибат Австрия барқарорлиги асоси деб ҳисобланади.



ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Қидирув ҳудуди кенгайтирилди

Бортида 239 нафар йўловчи бўлган "Малайзия ҳаво йўллари" самолётининг радардан ғойиб бўлишига нима сабаб бўлгани ҳалигача аниқланмади.

8 март куни эрталаб Куала-Лумпур шаҳридан Хитой пойтахти Пекин томон учиб кетаётган Боинг-777 йўловчи самолёти билан алоқа Малайзия ва Вьетнам ўртасидаги ҳудудда узилган эди. Турли мамлакатлардан 40 та кема ва 34 та самолёт жалб этилган қидирув ишлари ҳозирча самара бермапти. Айни дамда Малайзия ҳукумати қидирув ҳудудини икки бараварга кенгайтирганини маълум қилди. Душанба куни Вьетнамлик қидирувчилар тарафидан топилган металл бўлаклари самолётга тегишли эмаслиги аниқланди. Шанба куни радарлардан ғойиб бўлган самолёт портлатилган ёки ўғирлаб кетилган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хавотирлар билдирилмоқда.



Ёмғир ёғиши оқибатида

Мисрда йўловчи ташувчи автобус ҳамда юк машинаси тўқнашиб кетган.

Халокат мамлакатнинг жанубий қисмидаги Асют шаҳри яқинида содир бўлган. Гуволарнинг айтишича, ёмғир ёғиши оқибатида трассанинг хавфли майдони қисмида автобус ҳайдовчиси транспорт воситаси бошқарувини йўқотган. Ноқулай об-ҳаво шароити яна бир йўл транспорти халокатига сабаб бўлган. Мамлакатдаги Қоҳира-Хургада йўналиши бўйича ҳаракатланаётган автобус ҳам халокатга учраган. Оқибатда 9 киши ҳалок бўлиб, 30 киши жароҳатланган.



"Оскар" мукофотининг янги ғолиблари

Лос-Анжелесда Америка киноакадемиясининг "Оскар" мукофоти ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир давомида "Куллининг 12 йили" картинаси "Энг яхши фильм" номинацияси бўйича ғолибликка эришди. Кейт Бланшетт "Энг яхши актриса", Мэртю Макконехи эса "Энг яхши актёр" сифатида бош совринни кўлга киритдилар.



Озиқ-овқат бозорида ҳам биринчи

Хитой автомобиллар савдоси, энергия истеъмолчи, яқинда смартфонлар савдоси бўйича ҳам жаҳон миқёсида биринчиликни бермай келяпти.

2013 йил якунларига кўра, Хитойнинг озиқ-овқат маҳсулотлари бозори пул кўринишида 970 миллиард долларни ташкил қилган бўлса, ўтган давр мобайнида АҚШда ушбу кўрсаткич 910 миллиард долларга тенг бўлди. Экспертлар Хитой озиқ-овқат бозори келажакда янада юқори суръатларда ўсиши, 2015 йилга бориб 1,5 триллион долларга етишини тахмин қилишмоқда.



Интернет хабарлари асосида Асила ИБРАГИМОВА тайёрлади

Рангин дунё

Жанубий Американинг шарқий ва марказий қисмида икки давлат — Бразилия (пойтахти Бразилиа, майдони 8511956 км2, аҳолиси 194 млн.дан зиёд) ҳамда Парагвай (пойтахти Асунсьон, майдони 406752 км2, аҳолиси 6 млн.дан зиёд) республикалари жойлашган. Мазкур давлатлар узоқ йиллар давомида бир-бирига душман саналарди. Бироқ, электр энергияга бўлган эҳтиёж уларни яқин қўшничилик алоқаларини тиклашга ундади. Дунёдаги йирик тўғонлардан бири - Итайпу айнан шу ҳудудда барпо этилди.

Итайпу тўғони



Рокфил, яна бошқа бир қирғоғи Эарзфил тўғонига уланган.

Бразилия ва Парагвай давлатларининг ҳамкорлигида амалга оширилган тўғон 18 та гидрогенераторни ўз ичига олган. ГЭС электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажминини мунтазам равишда ошириб боради. Шунга кўра, иншоот ҳар йили ўртача 75 миллион МВт электр қуввати ишлаб чиқариш имкониятига эга. 1991

йили унинг сўнгги генераторлари ҳам ишга туширилди. Бунинг натижасида Итайпу ГЭСи шу чоққача эришилган барча рекордларни янгилаб бўлди. 1995 йилга келиб юқоридаги кўрсаткич йилига 77 миллион МВтни ташкил этди. Орадан бир йил ўтар, ўтмас кўрсаткичлар ўсишда давом этиб, Итайпу дунёнинг бошқа ГЭСларини доғда қолдирди. Лойиҳа кўлам жиҳати-

дан ҳақиқатдан-да улкан. Ахир, ушбу ГЭС 1995 йилдан буён бутунбошли Бразилияни 25, Парагвайни 78 фоиз электр қуввати билан таъминлаб келмоқда.

Итайпу тўғон ва ГЭС бўлиш баробарига хушманзара маскан ҳамдир. Бу ернинг сўлим табиати ҳамisha сайёҳлар эътиборини тортиб келади. Ҳар йили тўғонни кўриш учун дунёнинг 162 мамлакатидан ўртача 9

Бугунги кунда Итайпу тўғони ва гидроэлектростанцияси (ГЭС) электр ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринда туради. Иншоот қурилиши 1975 йилдан 1991 йилга қадар Парана дарёси бўйидаги Итайпу оролида олиб борилди. Бразилиянинг Фос де Игуасу ва Парагвайнинг Сиодад дел Эсте шаҳарларини боғловчи халқаро кўприқдан 14 километр шимолда жойлашган тўғоннинг умумий масофаси 7235, эни 400, баландлиги 196 метрга тенг.

Улкан тўғон қурилиши у қадар осон кечмаган. Ушанда қурувчилар Парана дарёси ўзанини бошқа ёққа буриб юбордилар. 1979 йили дарёнинг аввалги ўзани батамом қуриб бўлган, қурилиш ишлари бошланиб кетди. Бироқ, қутилмаган жойдан чиққан муаммо туфайли иш жойида тўхтади. Қурувчилар 20 метр чуқурликка етганда тоғ жинсларининг уқаланиб бораётганини сезиб қолишди.

Шундан сўнг, муҳандислар ҳудуднинг айнан шу заиф қисмини қалин бетон ёрдамида мустаҳкамлайдилар. Иншоот қурилиши аввалги руҳда давом этади. 1982 йилнинг 13 октяб-рида дарё ўзани ўзининг аввалги жойига қайтарилади. Чуқурлиги 100 метрни ташкил қилувчи Итайпу сув омборини тўлдириш учун 14 кун кетади.

Иншоотнинг асосий қисми дарё, қолганлари эса Диверсион канали устидан ўтган. ГЭСнинг 15 та генератори асосий ҳудуддан, яна учтаси канал ҳудудидан жой олган. Сув ташадиган дамба йўли дарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган ва 14 қисми сув дарвозаларидан ташкил топган. Ҳар сонияда 65,200 куб метр сув оқиб тушади, диган ушбу дамба энг кучли сув тошқинларига бемалол дош бера олади. Асосий бетон тўғон суви ўзига тортувчи пастиқдан иборат бўлиб, сув йўлига боғланиб кетган. Чап қирғоғи

Зафар МУХАММАД

Қон босимингиз қандай?

Хафақон, яъни, гипертония юнонча "hyper" — ортиқча, "topos" — таранглик, босим деган маъноларни англатиб, артериал қон босимининг ошиши билан боғлиқ касалликдир.



Хасталикнинг асосий белгилари — бош оғриши, айланиши, ҳатто, оғирлашиши мумкин. Бундай пайтда аксарият гипертониклар қулоқ шангиллаши, кўз олдида туман ҳосил бўлиши, майда заррачалар учуши, кўзининг хиралашishi, тез чарчаш, қувватсизликдан шикоят қилади. Кўпинча беморларни юрак оғриши, ўйнаши, қаттиқ уриши, қовоқ ва юз шишлари безовта қилади. Касалликнинг зўрайган даврида беморлар юрак ва буйрак етишмовчилиги ҳамда бошқа хуружлардан азоб чекадилар.

Гипертония касаллиги тиббиётнинг долзарб масалаларидан биридир. Чунки бу хасталик аҳолининг 8-10 фоизда учрайди. Ҳозирги кунда касалликни даволашда шифокорлар катта ютуқларга эришиб келмоқда. Шуни унутмангки, вақтида бошланган даво хафақон касаллигига олиб келувчи бош мия инсульт ва юрак инфаркти сонининг кескин пасайишига олиб келади. Қолаверса, шифокорларимиз ихтиёрида гипертония касаллигини даволашда қўл келадиган бир қанча сифатли, қон босимини куну тун меъёрида ушлаб турувчи дори воситалари мавжуд. Демак, юқоридagi аломатлар юзага келган пайтда кечиктирмасдан шифокорга мурожаат қилиш керак.

БИЛАСИЗМИ?

Дунёда энг катта қисқичбақа Австралия 38 хилларидан топилган. Унинг оғирлиги 6,8 килограмм, узунлиги 38 сантиметр бўлиб, оддий қисқичбақалардан ўн баробар катта.

Бир плит шоколаддан 30 мг, бир пиёла кофеда 180 мг, чойда ундан-да кўп кофеин бор. Бундан келиб чиқадики, бир чашка қаҳвадаги куч-қувватга эга бўлиш учун инсон камида 6 плит шоколад ейиши керак.

ТУРФА ОЛАМ

Қанотли автомобиль

ФРАНЦУЗ ИХТИРОЧИЛАРИ ТОМОНИДАН PEGASUS ДЭБ НОМЛАНУВЧИ АВТОМОБИЛЬ-САМОЛЁТНИНГ ИЛК НАМУНАСИ ОММА ЭЪТИБОРИГА ХАВОЛА ЭТИЛДИ.



2015 йили кенг миқёсда ишлаб чиқарилиши кутилаётган учар машина ҳозирда жиддий синов ва текширувлардан ўтказилмоқда. Ишланма муаллифларининг айтишича, Pegasus соатига 60-80 километр тезликда 3 соатдан кўпроқ уча оларкан. Қанотли автомобилнинг муваффақиятли чиқишида авиация инженерларининг ҳам ҳиссаси катта. Қолаверса, машинани яратиш чоғида барча зарур хавфсизлик чоралари қўрилган. Машина ҳар жиҳатдан тежамкор бўлиб, нархи ҳам унчалик қиммат эмас. Унинг бошқа техник имкониятлари ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот келтирилмаган.

Танишув виртуаллашади...ми?

БРИТАНИЯЛИК ТАДҚИҚОТЧИЛАР 20 ЙИЛДАН КЕЙИН ТУРМУШ ҚУРАДИГАНЛАР АСОСАН ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ТАНИШАДИ, ДЕГАН ХУЛОСАГА КЕЛИШДИ.



Олимларнинг бундай хулосага келгани бежиз эмас. Негаки, сўнгги йилларда интернетдаги танишув сайтлари анча оммабоп бўлиб қолди. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, туманли альбионда турмуш қурганларнинг салкам 20 фоизи айнан ўша танишув сайтлари орқали бир-бирини топган. Бу борада социологларнинг фикри ундан-да ўтади. Уларнинг гапига қараганда, 2031 йилга бориб интернет орқали танишган жұфтликлар 38, 2040 йилга бориб эса 70 фоизи ташкил қиларкан. Мутахассислар интернет танишувларнинг йилдан-йилга оммалашиб бораётганини замонавий технологиялар ривожини билан боғламоқдалар. Рухшунослар эса интернет орқали ўз жуфтини излаш унчалик тўғри эмаслигини, сабаби виртуал олам ва ҳаққоний ҳаёт ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини таъкидлашмоқда.

3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Шаҳло Аҳророванинг падири бузрукчиси

Ўринбой ота АХРОРОВнинг

вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Маданият хабарлари

«Баҳорни соғиндим...»

Ўзбекистон Бадий Академияси Икуо Хираяма халқаро маданият карвонсаройида керамикачи-рассом, Ўзбекистон халқ устаси Баҳодир Ниёзовнинг «Баҳорни соғиндим...» деб номланган кўргазмаси иш бошлади.

Экспозицияга муаллифнинг 100 дан ортиқ асарлари қўйилган. Улар орасида сополдан ясалган маҳсулотлар ўзининг антиқа шакли ва безаклари билан ажралиб туради. Бундан ташқари, кўргазмада рассомнинг бадий асарлари ҳам намойиш этилмоқда. Б.Ниёзов томошабинларга тарихий мавзуларга оид кўплаб бадий, ҳайкалтарошлик асарлар яхши таниш. Ижодкор ўзбек классик адабиёти вакиллари Увайсий ва Чўлпон сиймоси, шуниингдек, халқ достонлари ва эртақ қаҳрамонларини сополда акс эттирган. Бундан ташқари, ижодкор шаҳар кўчаларини безаб турган фавворалар, турли хил боғ композициялари ҳамда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган Амфитеатр панноси муаллифидир.

3.МУҲАММАД

Яратиш фасли

Тошкент фотосуратлар уйда баҳор айёми муносабати билан фото-кўргазма очилди.

Унда Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг фоторассомлар шўъбаси аъзолари, Тошкент фотосуратлар уйи ҳузуридаги ижодий фотография мактаб-студияси битирувчилари, ёш фотосуратчилар ва ҳаваскорларнинг ижодий ишлари қўйилган. Экспозиция қилинаётган фотосуратларда баҳор фаслининг бетақрор жозибаси, табиат гўзаллиги, баҳорий манзаралар, хотин-қизларимиз латофати, миллий маданиятимизнинг айрим қирралари акс эттирилган.

Кўшалок кўргазма

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида «Гўзаллик жонланган онда» ҳамда «Юлдуз ёғду сочар ҳар бир сиргада...» деб номланган кўш кўргазма ўтказилмоқда.

Кўргазмага қўйилган асарларда юртимиз табиати, йилнинг турли фасллари, кеча ва кундузнинг турли ҳолатлари, меъморий ёдгорликларимиз, қадриятларимизнинг бир бўлаги бўлмиш қадим шаҳарларимиз кўриниши тасвирланган. Муаллифлардан бири, рассом В.Трошина асарларида ўзига хос услуб, борлиқни қандай бўлса шундайлигича тасвирлаши сезилиб туради. Заргар Л.Амилованинг ижод намуналари ҳам томошабинни бефарқ қолдирмайди. Муаллиф ҳомашё сифатида асосан тилла, кумуш, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлардан фойдаланади. Кўргазманинг тантанали очилиш маросимида В.Трошина Ўзбекистон санъатига қўшган юксак ижодий ҳиссаси учун Бадий академиянинг кумуш медали билан тақдирланди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Хунармандларимиз

Кўли гулдир ўзбекнинг



(Ў.А) олган сурати.

Миллий хунармандчилик қадриятларимиз гултожи-дир. Асрлар ўтса-да яшаб, сайқалланиб келаётган ушбу соҳа тарихий меросимизнинг бетақрор тимсоли бўлиш баробарида юртимиз тараққийида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатимизда миллий хунармандчилик ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, хунармандлари ва мусаввирларининг «Хунарманд» уюшмаси томонидан бу борада салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, уюшманинг Андижон вилоят бўлимининг халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъат турларини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

— Тошкент театр ва рассомлик институтини тамомлаб, Андижон адабиёт ва санъат музейида иш бошладим. Айнан ўша йиллари менда миллий кўғирчоқларимизга нисбатан аллақандай меҳр, иштиёқ пайдо бўлганди, - дейди Респуб-

лика «Хунарманд» уюшмаси вилоят бўлими раиси Манзура-хон Юсупова. — Музейдаги фаолиятим давомида жуда кўп хунармандлар билан дўст ту-тиндим. Бу ерда гўзал экспонатлар шу қадар кўп эдики, уларни Андижондаги битта музей орқали дунёга танитиш кам-дек туюларди. Мамлакатимиз Президентининг 1997 йилги фармони асосан «Хунарманд» уюшмаси ташкил топганида унга биринчилар қатори аъзо бўлдим. Ташкиллаштириш ишларида фаол қатнашдим. Мана ўн олти йилдирки уюшмамиз ўз атрофига санъатшунослар, халқ амалий санъати усталари ва барча хунармандларни жамлаб аждоқларимиз яратиб мерос

қолдирган миллий аъналаримизни авлодларга етказиш, давомийлигини сақлаш мақсадида фаолият кўрсатмоқда.

Айни пайтда сафимизда 2063 нафар хунарманд бўлиб, уларнинг 260 нафари Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзосидир. Уюшмамизда таниқли, мураббий хунармандлардан иборат «Ижодий гуруҳ» иш олиб боради. Унинг асосий вазифаси Андижон халқ амалий санъатини янада ривожлантириш, устоздалар сонини кўпайтириш, йўқолиб бораётган хунар турларини қайта тиклаш, «устоз-шоғирд» мактаблари орқали ишларга миллий хунармандчилик аъналарини ўргатишдан иборат. Жумладан, заргарлик йўналишида балдоқсозлик, каштачилик соҳасида ироқи ва босма чок турлари, мато тўқиш соҳасида андижонча беқасам, адрас, қадимий хияқ тўқиш, кулолчилик, пичоқчилик ва кўғирқосозликда ҳам ўзига хос «андижонча» шакл ва жилоларни тарғиб қилишни мақсад қилганмиз.

Наботот олами

Ялпиз фойдали ўсимлик



Ялпиз қадимдан халқтабобатида кенг фойдаланиб келинган. Бугунги кунда унинг хусусиятларини замонавий тиббиёт ҳам эътироф этмоқда. Ялпизнинг таркибида эфир мойлари, органик кислоталар, флавоноидлар, каротин, глюкоза, витамин С ва бошқа бир қатор моддалар борлиги фанга маълум. Унинг ер устки қисми қайнатмаси тиш оғриғи, милк яйлаганиши, оғиз қарашини даволаш учун муолажа қилинади. Қалампир ялпиз ўт (сафро) ҳайдашда, асаб касалликлари, ошқозон ичак йўллари фаолиятини яхшилашда, ҳолсизланиш, бод касалликларини даволашда жуда фойдали ўсимлик саналади.

Ялпиз гуллашидан олдин ёки гуллаган пайтда кесиб олиниб, соя жойда қурилади. Қуритилган маҳсулот доқа ёки қоғоз қопчаларда қоронғу ёки қуёш тушмайдиган жойда сақланади.

Уй шароитида ундан қайнатма тайёрлаш учун 5-20 грамм ялпиз 200 грамм сувга солиниб, 15 дақиқа қайнатилгандан сўнг шарбатни доқада суздирилиб, овқатдан ярим соат аввал 2 маҳал ичилади.



Ёнғоқ

унинг барги ҳам шифобахш

Ёнғоқнинг турган битгани «ҳазина» дейилиши бежизга эмас, унинг мағзи таркибида 21 фоиз оксил, карбонсувлар, жуда кўп миқдорда С, В1 витаминлари ҳамда каротин мавжуд. Бундан ташқари минерал тузлар ва микроэлементлар, кўк қобиғида эса 25 фоиз, баргида 12 фоиз танид моддаси ҳамда 0,1 фоиз эфир мойи сақланади. Барглиридаги юглон моддасини бактерияларга қарши воқитида қўллаш мумкин. Ёнғоқнинг хомлигидаги қобиқ шираси экзема, дерматоз ва бошқа тери касалликларини даволашда ишлатилади.

Абу Али Ибн Сино ёнғоқнинг барг ширасини илиқ ҳолда қулоқ ичи яраларини даволашда ишлатган. Мева пўстлоғи қайнатмаси ички қон кетиш хасталиқларини тўхтатишини айтиб ўтган. Шунингдек, ревматизм, рахит, тери касалликларида ёнғоқ барглири қайнатмаси ҳам шифо бўлади. Унинг барглири турли ҳашорат ва куйга қарши ишлатилади.

Шахриддин ЎМАРОВ,

Иштихон туманидаги 87-мактаб директори, олий тоифали биолог, халқ таълими аълочиси

3.РЎЗИЕВА,

«Milliy tiklanish» muxbiri